



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 57 (7798).

24 март, 1982 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 3 тийин

ЎРТОҚ Д. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

ИШЧИЛАР БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи байрам либосида. Баҳор ёлғирлиги корхонада ювни ўтган, энди кўнариб келаётган дов-драхтлар орасида қизил байроқлар, байрамлардаги қирмиш транспарантлар ял-ял товланиб турибди. Смена ҳам алоҳида бир вазиятда бошланди, буғунги иш ҳам ўзгача кўришиб кетди: тракторсозлар азия меҳмонларини кутинмоқда.

23 март, кундуз соат икки. Завод аҳли шу дамни оғлаб қолади, бу кун коллективнинг шонли тарихига абадий кириб қолади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев Тошкент трактор заводида келди. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, П. М. Махмудов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров Тошкент трактор заводида келдилар. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғафуров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирин Л. М. Заматин ҳам заводда бўлидилар. Заводнинг бош хабаридан ўтиб, йилги пекни томон йўл олмақда. Бу ерда, улкан корпус олдида-



Л. И. Брежневнинг Тошкент трактор заводи ишчилари билан учрашуви.

ЎзТАГ фотоси.

ги майдонда Ўзбекистоннинг энг катта машинасозлик корхонаси — трактор заводи ва «Ташсельмаш» далаларга етказиб бераётган машина-механизмларнинг кўрғазмаси ташкил этилган. Леонид Ильич Брежнев, унга ҳамроҳ бўлган кишилар экспонатлар билан танишдилар. Завод директори И. Х. Мусин шу кечдан ҳар йили деҳқонларга пахтачилик учун мўлжалланган салкам 30 мингга трактор, шунингдек транспорт шаткачи тракторларни жўнатилаётганлигини, пахтачилик учун мўлжалланган тракторлар қатор оралари 60 ва 90 сантиметр бўлган пахтазорларда ишлаш учун мослаштирилганлигини сўзлаб берди. Тошкент трактори ўн юзлар шасси бўлиб ҳам хизмат қилади, «Ташсельмаш»

унга ҳар хил маркадаги пахта териш машиналарини ўрнатмоқда. Бу ердаги кўрғазмада олдин ва илгичка тоғали пахтачи машиналар билан териб олиш, уруғлик пахтачи териш учун, кенг ва тор қатор оралари учун, яъни ва тўрт қаторда айни бир вақтда ишлаш учун, бир йўла икки операцияни бажариш — пахтачи териш ва уни бирлашчи тозалаш учун мўлжалланган агрегатлар бор. Пахтачи қорқонориз ташкил учун мўлжалланган принципал пахтачилик механизмидаги пахтачиликнинг муҳим бўлигини. Шу принципаллар ҳам трактор заводи ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатдаги барча пахтакор республикаларни замонавий тахника билан таъминловчи корхона партия

нинг меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини бермоқда. Бу машиналар мапа шу ерда, бош қовийерда яратилмоқда. Илгив деҳқон кираверишда Леонид Ильичнинг риз-насиба билан кутуб оладилар. СССР халқларининг миллий қийинларидати қизлар унга гулдастalar қадим эдилар. Гулдурас қарсақлар янграйди.

Пекда тўқинлангирувчи самимий учрашува бўлади: корхона кийиб олган кекса, лекин ҳали бақувват ёши Леонид Ильич Брежнев ёшига келади. Бу киши корхонадаги энг хурматли меҳнатнашларининг бири электрик Алексей Васильевич Симонов, у Улғу Ватан урушининг ветерани, А. В. Симонов трактор заводида меҳнат қилаётган кўпгина

фронтчиларнинг ҳаммаси номидан, заводнинг барча ишчилари номидан Леонид Ильичга сийҳат-саломатлик тилади, ўртоқ Л. И. Брежнев совет Батанини раваж топтириш йўлисида «тай-хўрлик қилаётгани» учун. Ёр қолда тинчликни мустахкамлашга қолт катта ҳисса қўшаётгани учун унга қўзғил миннатдорчилик изҳор этди.

Леонид Ильич ишчилар ёнига келади, улар орасида ўз ишнинг машҳур усталари, меҳнат унумдорлигини ошириш учун социалистик мусобақа ташаббускорлари: КПСС XXVI съездининг делегати соловьев М. Туропов, КПСС XXV съезди делегати мастер А. В. Федюшина, Ленин ордени кавалери соловч М. Тешабоев корхонанинг бошқа донддор

ЛЕНИН НОМИДАГИ КОЛХОЗДА



Л. И. Брежнев Ленин номидаги колхоз лимонарийида.

ЎзТАГ фотоси.

23 март куни Тошкент области Оржоникидзе районидати Ленин номидаги колхозда қувончли, шодона кайфият ҳукм сурди. Колхоз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент трактор заводи ва «Ташсельмаш» далаларга етказиб бераётган машина-механизмларнинг кўрғазмаси ташкил этилган. Леонид Ильич Брежнев, унга ҳамроҳ бўлган кишилар экспонатлар билан танишдилар. Завод директори И. Х. Мусин шу кечдан ҳар йили деҳқонларга пахтачилик учун мўлжалланган салкам 30 мингга трактор, шунингдек транспорт шаткачи тракторларни жўнатилаётганлигини, пахтачилик учун мўлжалланган тракторлар қатор оралари 60 ва 90 сантиметр бўлган пахтазорларда ишлаш учун мослаштирилганлигини сўзлаб берди. Тошкент трактори ўн юзлар шасси бўлиб ҳам хизмат қилади, «Ташсельмаш»

қўздан кечирди. Бу ерда халқ селекциячиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги Зайниддин Фахриддинов ишламоқда. З. Фахриддиновнинг ўзи етиштирган субтропик экиннинг қимматли навлари бу ерда йигирма гектардан кўпроқ майдонда ўстирилмоқда. Ҳозир теплицада цитрус меваларининг муздат ҳиди анқиб турибди, бу ердаги лимонлар йил бўйи ҳосил беради. Қўм-қўш шохларини ҳам етишган меваларини ҳам, гулдари ҳам айни вақтда қўриш мўкин. З. Фахриддинов етиштирган лимон навларининг бошқа фазилатлари наторида илгари ўрта Осиёда ўсмаган цитрус меваларининг совуққа чидамлиги, кескин контентад илтим шариотларига яхши мосланганлигини кўрсатиб ўтса бўлади. Серхосиллик, меваларнинг таъми жуда яхшилиги бу лимонларнинг энг яхши хусусиятларидан бири, албатта.

Бўлтур колхоз лимонзоридан юз тоинадан кўпроқ юқори сифатли мева олинди. Донддор цитрусчи ўзининг ўн биринчи беш йиллик биринчи йили учун олган юксак социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди. Йиллик план яъни баравардан зиёд ошириб бажарилди. Хўжалик деҳқонлари беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади СССР ташкил этилганлигининг 60 йилли-

гини мўл ҳосил билан кутуб олишдан иборат. Зайниддин Фахриддиновнинг лимонзоридан иборат олиб Ўзбекистоннинг бошқа хўжалиқларидан ҳам лимонзорлар барпо этила бошланди. Донддор деҳқоннинг тажрибаси республикада пахта ва бошқа ананавий экинлар етиштиришни қўлайитиш учунгина эмас, шу билан бирга субтропик мевалар етиштиришнинг янада қўлайитиш учун ҳам жуда катта имкониятлар бориладиган далолат беради. Кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун нисбатан ёш тармоқ бўлиши цитрусчилик жадал суратлар билан ривожланимоқда. Масалан, Оржоникидзе районининг қўшни «Коммунист» колхозида лимон етиштирувчи катта комплекс қурилади. Сурхон водийсининг илгари бўш этган ерларида лимонзорлар барпо этилади, Наманган областининг Поп районини қишлоқ меҳнатнашлари тоғ этакларидати ерларга цитрус мевалар экомқдалар. Диканж, Қарши даштларида, республиканинг бошқа қуриқ зоналарида субтропик мевалар етиштириладиган боғлар вужудга келтириш белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда жами бўлиб яқин йилларда цитрус мевалар етиштириш 80 миллион донга етказиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

